

СУВ ОМБОРИНИНГ ТОШИБ КЕТИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Шуни таъкидлаш жоизки, баъзида: "Тошқин келган вақтда сув омбори тўла бўлган тақдирда ҳам, сув ўтказиш иншоотлари энг кичик эҳтимолли катта тошқинни ҳам ўткази олиш қобилиятига эга", - деган фикрлар учраб туради. Аммо бундай экстремал шароитда сув ўтказиш жуда ҳавфли бўлиб, иншоотларда ва айниқса пастки бьефда ноҳуш ёки авария ҳолатлари рўй бериши мумкин. Масалан, бетон ёки металл қопламаларнинг емирилиши, механик жиҳозларнинг ишдан чиқиши, пастки бьефнинг ювилиши ва ҳ.к.

Кучли жала ёғиши вақтида агарда сув омбори максимал тўлдирилган бўлса, сув омборидаги сув сатҳи кўтарилиб кетишининг олдини олиш мақсадида уни тезда бўшатиш ва сув омборига ҳавф туғдирмайдиган сув миқдорига олиб келиш чораларини кўриш керак. Тажрибада, юқорида келтирилган фикрга аксинча бўлган ҳолатлар ҳам учраб туради, яъни сув омборининг тошиб кетишидан чўчиб, тошқин арафасида меъёридан ортиқ сувни чиқариб ташлайдилар ва натижада сув омборида йиғилиши мумкин бўлган максимал сув ҳажмига эриша олмай қоладилар.

Шундай қилиб, сув омборининг тошиб кетишига йўл қўймаслик, тошқин вақтида керакли сув миқдорини иншоотлар ва пастки бьеф учун бехатар ўтказиш, келган сувни имкони борича кўп йиғиб олиш мақсадида ўзилишга қарши чизиқ ва унинг таркибий қисми бўлган тўлдиришни чегаралаш чизиғи тузилади. Сув омборининг тошиб кетиши, тошқин авжига чиқиш арафасида ундаги сув сатҳи сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғининг белгисидан ошиб кетганда содир бўлиши мумкин.

Сув омборининг тошиб кетишига йўл қўймаслик учун ундаги сув сатҳининг белгисини йил бошидан кузатиб, уни сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғининг белгиси билан таққослаб бориш керак. Ушбу таққослашни йил бошида ва охирида камида ҳар ой охирида бир марта, тошқин вақтида ҳар ўн кунлик охирида, тошқин авжига чиққанда ҳар кун амалга ошириш лозим.

Сув омборидаги сув сатҳининг белгиси сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғининг белгисидан юқори бўлиши мумкин эмас. Агар у юқори бўлса, унда сув сатҳини сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғигача тушириш зарур. Бунинг учун сув чиқаришни белгилар фарқига мос равишда ошириш керак бўлади, яъни;

- $DQ = 77$ (*Ўқўрсатилган - Ўчизик бўйича*).